

ЛИНГВОЛИДАКТИКА ВА МЕТОДИКА

ТАЪЛИМ ОЛИШДАГИ ТИЛНИНГ НАЗАРИЙ ТАЪРИФИ

МАМЛАКАТШУНОСЛИК ЛУҒАТЛАРИДА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯНИНГ АКС ЭТИШИ ВА ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎҚИТИШ ХУСУСИДА



Мухайё Носировна РАУПОВА

ўқитувчи

Методикани ўқитиш кафедраси

Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети

UsWU@yandex.com

Аннотация

Мақолада мамлакатшунослик луғатларида лингвокультурологик материалларнинг берилиши ва уларни хорижий тилни ўқитишда дарс жараёнида фойдаланиш лингвокультурологик компетенцияни шакллантиришдаги аҳамияти ҳақида сўз боради. Бундан ташқари, лингвокультурологик матнларнинг аутентик бўлиши, курсга мос бўлиши, ундаги материаллар янги ёки сўнгги маълумотлар бўлишига аҳамият қаратилиши таъкидланади. Талабаларда лингвокультурологик компетенцияни шакллантиришда тугаш фанлардан олинган матнлардан ҳам кенг фойдаланиш лозимлиги кўрсатиб ўтилади.

Калит сўзлар: лингвокультурология, луғат, хорижий тил, инглиз тили, ўқитиш методлар, компетенция, лингвокультурологик компетенция.

ОБ ОТРАЖЕНИИ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИХ СВЕДЕНИЙ В СТРАНОВЕДЧЕСКИХ СЛОВАРЯХ И ОБУЧЕНИЕ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ

Мухайё Носировна РАУПОВА

преподаватель

кафедра обучения методике

Узбекский государственный университет мировых языков

UsWU@yandex.com

Аннотация

В статье речь идет об отражении лингвокультурологических сведений в страноведческих словарях и роли использования этих материалов в формировании лингвокультурологической компетенции студентов. Кроме этого, обращается внимание на аутентичность лингвокультурологического текста, его соответствие курсу и использованию новой или свежей информации. Указывается на важность использования различных текстов смежных наук для формирования у студентов лингвокультурологической компетенции.

Ключевые слова: лингвокультурология, словарь, иностранный язык, английский язык, методы обучения, компетенция, лингвокультурологическая компетенция.

ON REFLECTION OF LINGUOCULTUROLOGY IN COUNTRY STUDY DICTIONARIES AND TEACHING A FOREIGN LANGUAGE

Muhayyo Nasirovna RAUPOVA

Teacher of Teaching of Methodics Department

Uzbekistan State World Languages University

UsWU@yandex.com

Abstract

The article deals with the reflection of linguoculturology in regional geographic dictionaries and the role of the use of these materials in the formation of linguocultural competence. In addition, emphasis is placed on the authenticity of the linguistic and cultural texts, and their relevance to the course and the use of new or fresh information. The importance of using different texts from related sciences for students of linguocultural competence was pointed out.

Keywords: linguoculturology, dictionary, foreign language, the English language, methods of teaching, competence, linguoculturological competence.

Ҳозирги кунда тилшунослар, адабиётшунослар, таржимонлар, методистлар ва тилшунослик ҳамда тилшуносликка туташ бошқа соҳа мутахассислари мурожаат этаётган “лингвокультурология” ёки “лингвомаданиятшунослик” тушунчаси қўлланма, дарслик, луғатларда кенг қўлланилмоқда. Мазкур мақолада биз лингвокультурологиянинг луғатларда акс этишига эътиборимизни қаратамиз. Лингвокультурология кенг ва чуқур талқин этиладиган манба мамлакатшунослик, лингвомамлакатшунослик ёки инглиз тилида мамлакат номидан кейин “civilization” сўзи қўлланган махсус луғатлар ҳисобланади. Масалан, British Civilisation, American Civilisation ва шу кабилар. Баъзи ҳолларда мамлакат номидан кейин “studies” сўзи ҳам қўлланиши мумкин: American Studies. Луғатларда лингвокультурологиянинг акс этиши Ўзбекистонда, Россияда ва хорижда кенг миқёсда ўрганилмоқда (Веденина, 1997, 2000; Верещагин, Костомаров 1974, 1976, 1977, 1997, 1978, 1980, 1990, 2000, 2002; Воробьев, 1997; Гак, 1987; Девкин, 2003; Карпова, 2008; Колесникова, 2001; Муравлева, 1998; Тер-Минасова, 2000; Томахин, 1986; Hartmann, James, 1986). Бунда мамлакатга оид бўлган урф-одат, удум, маросим, байрамлар, давлат тузуми, партиялар, мамлакатларнинг (агар Буюк Британия бўлса графликлар, боролар ва ҳакозолар, АҚШ бўлса штатлар, округлар) маъмурий бўлиниши, тили, тарихи, ҳудудий бўлинишлари ва кабилар ҳақида батафсил маълумотлар берилади. Бу маълумотлар нафақат мамлакатни, балки мамлакатда қўлланадиган тил, тилнинг келиб чиқиши, тил ва маданият тарихи, турли миллат ва элатларнинг миқдори, радио, телевидение, газета ва журналлари, иқлими, миллий таомлар, шаҳарлар ва шу кабилар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар олиш мумкин.

Хорижий тил ўқитиш методикасида ўқувчи ва талабаларда лингвокультурологик компетенциянинг пайдо бўлиши тилни яхши ўрганишга, хорижий тилда бемалол мулоқат қилиб, ўқитувчи бўлса, бемалол замон талаби асосида дарс беришни назарда тутаяди.

Шунинг учун хорижий тилни мутахассис сифатида эгаллаш 2-босқичда “Мамлакатшунослик” предметини ўзлаштиришни кўзда тутаяди. Ҳозирги кунда Россия, Европа ва АҚШда чоп этилаётган махсус луғатлар инглизча исмлар, географик номлар культурологик ёки маданиятга оид бўлган маълумотларга асосланади. Лингвокультурологик маълумотга эга ҳозирги

луғатлар матнини хорижий тилдан маъфулотлар олиб борганда қўллаш мумкин. Биринчидан, матн аслият ҳисобланса, ундан фойдаланиш талабаларда лингвокультурологик компетенция пайдо бўлишини тезлаштиради, мулоқатга кириши, хорижий тилда тўғри гапириш кўникмаси шаклланади. Тиллараро мулоқатда тушунмовчиликларни, ноқулай аҳволга тушиб қолишни олдини олади. Бундан ташқари, маълумотга эга тил кўникмаларини эгаллаган талаба тез ва тўғри гапириш, ёзув кўникмасига эга бўлади. Мухими, талаба лингвокультурологик маълумотга эга бўлади, агар хорижий тилда сўзлашувчи мамлакатларга борганда “cultural shock”ни бошидан кечирмайди ва мамлакат шароитига тез мослаша олади.

Бунда амалиётчи ўқитувчилар хорижликларнинг реал ҳаётга тегишли гапларни дарс жараёнида қўллаши лозим. Сийқаси чиққан гаплар ўрнига лингвокультурологик мавзуларга оид коммуникативликни таъминловчи гаплардан, матнлардан фойдаланиш лозим.

Тил кўникмаларини шакллантиришда мавзуга мос равишда луғатдан аутентик матнларни олиш мумкин. Бу матнлардан ёзув, гапиришни ривожлантиришда, матн устида ишлашда ҳамда мамлакат ҳақида тегишли фактик материал сифатида дарсда ва дарсдан ташқари мустақил таълимда фойдаланиш мумкин.

Ахборот ва педагогик технологиялар ривожланган ҳозирги даврда интернет ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш имконияти мавжуд. Дарс жараёнига ижодий ёндашиш орқали уни қизиқарли ва самарали ўтказиш мумкин. Лингвомамлакатшунослик, мамлакатшуносликка оид луғат материалларидан юқоридаги айтиб ўтилган малакаларни ривожлантиришда турли машқлар ва тестлар тузиш ва уларни дарс жараёнида қўллаш талабаларда лингвокультурологик компетенцияларга эга бўлиш учун пухта замин яратади. Бу эса кейинчалик глобаллашув муносабати билан инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, улардаги ижобий жиҳатларни дарс жараёнига татбиқ қилишга йўл очади.

Луғат материалларини дарс жараёнига ана шундай ижодий ёндашув орқали киритиш, ундан фойдаланиш ўқитувчидан катта маҳорат, чуқур билим талаб этади. Талаблар эса замонавий ўқитиш усуллари ёрдамида хорижий тилни тез ва чуқур эгаллаш имкониятига эга бўлади, дарсда ва дарсдан ташқари хорижий тилда сўзлашишга эҳтиёж пайдо бўлади. Бунда инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда мактаблардаги дарс жараёнидаги фойдаланадиган ўйинлардан ҳам унумли фойдаланиш дарс сифатининг юқори бўлишини таъминлайди.

Маълумки, Ўзбекистонда инглиз тилини ўргатишда унинг Британия варианты асос қилиб олинган, бироқ юқори курсларда инглиз тилининг бошқа,

яъни Америка, Канада, Янги Зеландия ва Австралия вариантларига тегишли луғат материалларидан ҳам фойдаланиш ижобий натижа беради. Булардан қандай, қай пайтда ва қай даражада фойдаланиш, биринчи навбатда, ўқитувчининг тажрибаси, хоҳиши, маҳорати ва билим даражасига бевосита боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари дарс қизиқарли ўтиши учун интернетдаги ўқув видео материаллари ва луғат матнидан бир пайтда уларни уйғунлаштирган ҳолда дарс олиб бориш ижобий натижа беради. Дарсд бериладиган материаллар талабалар учун кутилмаган ҳол бўлмаслиги учун уларга аввалдан ўтмоқчи бўлган дарс режасини бериш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки улар дарсга тайёрланиш вақтида мавзунини олдиндан билишлари мавзу бўйича материалларни ўзлари мустақил равишда кўриб чиқишлари дарс машғулотларининг самарали ўтишини таъминлайди. Талабаларнинг мустақил дарсга тайёрланишини ташкил этиш мана шу нарсаларни ҳам инобатга олиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Албатта, дарслар босичма-босқич осондан қийинга принципи асосида ташкил этилиши, дарслар мантқан (бу ерда ҳам мавзу, ҳам тил материаллари назарда тутилади) бир-бирини давом эттириши, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлишига эришиш лозим.

CEFRнинг қўлланиши муносабати билан ҳар бир босқичда талаба нечта сўз билиши, тинглаб тушуниш, эшитиш, ўқиш ва ёзувларда нималарга эришиш талаблари аниқ кўрсатилган. Бундан ташқари, пассив ва фаол сўзлар рўйхати маълум. Шунинг учун талабаларнинг билим даражаларини кўтаришда, билимларини чуқурлаштиришда синовдан ўтган, ижобий натижалар берадиган, анъанавий ва ноанъанавий методлардан тегишли ўринларда кенг ва унумли фойдаланиш хорижий тилларни биладиган, юқори малакали, замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш имконини беради.

Замонавий ўқув адабитларини ёзишда мамлакатшуносликка оид янги фактик материаллардан фойдаланиш, шулар асосида тестлар тузиш, улардан дарс жараёнида тарқатма ва кўргазмали материал сифатида фойдаланиш, слайд ва видеоматериалларни бевосита дарсда қўллаш ҳозирги пайтда ҳамма жойда, айниқса хорижий тиллар ўқитиш методикасининг жаҳон стандартларига мос келиши борасидаги фикрларни тўлдиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Веденина Л. Г. Послесловие // Франция. Лингвострановедческий словарь. 7000 единиц / Под ред. Л. Г. Ведениной, 1997. – С. 1023–1033.

2. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Теоретические основы лингвострановедческого словаря // Денисова М.А. Лингвострановедческий словарь. – М.: Русский язык, 1978. – С. 7–18.
3. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Лингвострановедческая теория слова. – М., 1980. –320 с.
4. Воробьев В.В. Лингвокультурология. Теория и методы. – М., 1997. – 395 с.
5. Девкин В. Д. О некоторых проблемах лингвострановедения // Вопросы лингвострановедения и лексикологии. – М., 2003. – С. 5–10.
6. Карпова О.М. Культурологический аспект словарей современного английского языка // Язык. Культура. Общение. – М., 2008. – С. 398–405.
7. Колесникова М. С. Лингвострановедческие проблемы межкультурной коммуникации // Научные труды МПГУ. Серия: Гуманитарные науки. – М., 2001. – С. 134–138.
8. Муравлева Н.В. Лингвострановедческий словарь как продукт межкультурной коммуникации // Россия и Запад: диалог культур. – М., 1998. Вып. 6.
9. Тер-Минасова С. Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М., 2000. – 624 с.
10. Томахин Г. Д. Лингвистические аспекты лингвострановедения// Вопросы языкознания. 1986. №6. – С. 113–118.
11. Hartmann R.R.K. Teaching and Researching Lexicography. – Edinburgh, 2001. – 206 p.